

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

18 май 2018 й.г. № 372

Тошкент ш. – г. Ташкент

**2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрлар  
тармоғини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, миллий кино санъатини янада ривожлантириш, маҳаллий кино маҳсулотлари прокати учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг бўш вақтидан оқилона фойдаланиш, уларга кино санъатига муҳаббатни сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (кейинги ўринларда “Ўзбеккино” МА деб аталади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (кейинги ўринларда “Ўзмиллийбанк” деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, “ЎзшаҳарсозликЎЛТИ” ДУК билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида замонавий ва ретро фильмлар учун икки залли кинотеатрларнинг ҳамда ёзги кинотеатрларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Ўзбеккино” МА “Ўзмиллийбанк”, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 июнгача бўлган муддатда кинотеатрлар қурилиши бўйича ишларни амалга ошириш учун ташаббускорларни – тадбиркорлик субъектларини белгиласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, замонавий кинотеатрлар (кейинги ўринларда кинотеатрлар деб аталади) тармоғини барпо этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон қарори билан белгиланган маблағлар ҳисобига тегишли ташаббускорлар – тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Бунда, кинотеатрларни қуриш ташаббускорлар – тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ва “Ўзмиллийбанк”нинг лойиҳа қийматининг 75 фоизидан ортиқ бўлмаган суммада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан фоиз ставкаси билан асосий қарзни қайтариш учун 1 йилдан ортиқ бўлмаган имтиёзли даврни ўз ичига оладиган беш йилгача муддатга ажратиладиган имтиёзли кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилансинки, қурилаётган кинотеатрлар ўзаро фойдали битимлар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий намойиш қилиш мақсадида кинотеатрларга хорижий ва маҳаллий кино маҳсулотларини марказлаштирилган рақамли он-лайн етказиб беришни таъминлайдиган ягона республика кинопрокат электрон тармоғига киради.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

замонавий кинотеатрлар, шу жумладан, устун даражада маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида ёзги кинотеатрлар барпо этиш (қуриш) бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган ер участкалари берилишини, шунингдек, уларнинг ҳудуди тайёрланишини ҳамда бинолар ва иншоотлар бузилиши муносабати билан етказилган зарарлар юридик ва жисмоний шахсларга қайтарилишини таъминласинлар;

ташаббускорлар – тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда тутшиб кетган ҳудуд ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши, электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва канализация тармоқларига улаш чораларини таъминласинлар.

7. “Ўзбеккино” МА 2018 йил 1 июнгача хорижий тажрибани ҳамда етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини ўрганиш асосида кинотеатрларни жиҳозлаш учун зарур бўлган кино намойиш қиладиган асбоб-ускуналарнинг намунавий параметрларини белгиласин ва ташаббускорларга – тадбиркорлик субъектларига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги кинотеатрларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини таъминласин.

9. Намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган кинотеатрлар объектларининг буюртмачилари – қурилиш ташаббускорлари қурилиш даврида мақбул лойиҳа ечимлари қабул қилиниши юзасидан қўйиладиган талабларга риоя этилиши, лойиҳа қиймати шакллантирилиши, уларда зарур инфратузилма объектлари (автотранспортни вақтинча сақлаш жойлари, ҳудудларни ободонлаштириш), шунингдек, хавфсизлик талаблари (кузатиш камералари ва ёнғин хавфсизлиги тизими) жойлаштирилиши тизимли назорат қилинишини белгиласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва “Ўзбеккино” МА бош директори Ф.Ш.Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

\*) Илова рус тилидаги матнда берилган.